



“АЛОҚАБАНК” АТБ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Норов Акмал Рузимамаатович -
ТДИУ Банк иши ва инвестициялар
кафедраси доценти, PhD

doi https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss2/a8

Аннотация. Мазкур мақолада “Алоқабанк” АТБ фаолияти 2013 йилдан 2020 йилгача бўлган даврдаги чораклик статистик маълумотларига асосланган эконометрик таҳлил қилиб ўрганилди. Бунда Алоқабанкнинг кредит ажратмаларига таъсир этувчи ички омиллар таҳлил қилинди. Таҳлил учун ҳар бир чоракда ажратилган кредитлар миқдори, муаммоли кредитлар ҳажми, жалб этилган депозитлар миқдори, банк капитали, кредитлар ҳамда депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари олинди. Миллий валютада берилган барча статистик маълумотлар жами активларга нисбати сифатида ифодаланиб, уларни такомиллаштириш юзасидан амалий таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: кредит, муаммоли кредит, банк капитали, диверсификация, банк активлари, фоиз ставкаси.

ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ КРЕДИТОВАНИЯ В АКЦИОНЕРНО-КОММЕРЧЕСКОМ БАНКЕ «АЛОҚАБАНК» И ПУТИ ИХ УЛУЧШЕНИЯ

Норов Акмал Рузимамаатович -
Доцент кафедры «Банковское дело
и инвестиции» ТГЭУ., PhD

Аннотация. В данной статье рассматривается деятельность АК “Алоқабанк” в виде эконометрического анализа на основе квартальной статистики за период с 2013 по 2020 годы. При этом проанализированы внутренние факторы, влияющие на выделение кредитов Алоқабанком. Для анализа были получены объем кредитов, проблемных кредитов, привлеченных депозитов, банковский капитал, средние процентные ставки по кредитам и депозитам. Все статистические данные, представленные в национальной валюте, выражаются как отношение к общей сумме активов и содержат практические предложения по их улучшению.

Ключевые слова: кредиты, проблемные кредиты, банковский капитал, диверсификация, банковские активы, процентные ставки.

CURRENT STATUS OF JOINT-STOCK COMMERCIAL “ALOQABANK” LOANING PRACTICE AND THEIR IMPROVEMENT

Norov Akmal Ruzimamatovich -
Associate Professor, Department of
Banking and Investments, TSUE, PhD

Annotation. This article discusses the activities of Joint-Stock Commercial “Aloqabank” in the form of an econometric analysis based on quarterly statistics for the period from 2013 to 2020. At the same time, internal factors affecting the allocation of loans by Aloqabank were analyzed. For analysis, the volume of loans, problem loans, attracted deposits, bank capital, average interest rates on loans and deposits were obtained. All statistical data presented in national currency are expressed as a ratio to the total amount of assets and contain practical suggestions for their improvement.

Keywords: loans, problem loans, bank capital, diversification, bank assets, interest rates.

Кириш. Ижтимоий жамиятда товар-пул муносабатларининг пайдо бўлиши кредитлаш амалиёти шаклланиши ва ривожланишига замин яратди. Зеро, товар-пул муносабатлари амал қилган ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жамиятда кредитлаш амалиёти вужудга келади ҳамда бу жараёнларни муттасил ривожлантириб боришни тақозо қилади. Тараққий этган мамлакатлар тажрибасида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини молиялаштиришнинг асосий йўналиши тижорат банклари томонидан кредитлаш ҳисобланади[1].

Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланаётган давлатларида тижорат банклари кредитлаш

амалиётини такомиллаштириш борасида банк кредитлари сифатини ошириш, кредит рискларини камайтириш, миқдорларнинг кредит қобилиятини объектив баҳолаш усул ва механизмларини мукаммаллаштириш, кредитлаш амалиётини банк учун энг мақбул даромадлилик стратегиясига айлантириш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва кредитлаш салоҳиятини ошириш бўйича илғор инновацион банк хизматлари ва маҳсулотларини жорий этиш сингари тадқиқот йўналишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Ўзбекистонда тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини такомиллаштириш

масалалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони, 2021 йил 6 ноябрдаги “Ҳаракатлар стратегиясидан – тараққиёт стратегияси сари” доирасида амалга ошириладиган энг устувор вазифалар [2], 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сонли “Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари [3] ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

Адабиётлар шарҳи. Кредитлаш амалиётига иқтисодчи олимлар томонидан бир қанча шарҳ ва изоҳ берилган. Масалан, профессор О.И.Лаврушин илмий тадқиқотларида кредит муассасаларининг кредитлаш жараёнидаги ўзаро муносабатлари кредит тизими амалиётини ташкил этади, деб таъриф берган [4].

Профессор О.К.Иминов Жаҳон банки ва бошқа хориждаги молия ташкилотларнинг республикада кредит тизимини такомиллаштириш бўйича тавсияларини атрофлича таҳлил қилиш асосида, Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос келувчи кредит механизмининг яратишнинг илмий-услубий жиҳатларини асослаб берган [5].

Кредитлаш амалиётига иқтисодчи олим профессор Ш.З.Абдуллаева: “кредит тизими ҳар хил кредит молия институтларининг йиғиндидан иборат”, – деб таъкидлаб ўтган [6].

Профессор Б.Бердияров илмий тадқиқотларида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредитлаш жараёнларида банкнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган [7].

Фикримизча, юқоридаги ҳолатларда ҳам кредитлаш амалиётига тўлароқ, ҳар томонлама таъриф беришга ҳаракат қилинган, деб ҳисоблаймиз. Биз, энг аввало, кредитлаш амалиёти сўзининг мазмунига эътибор қаратишимиз лозим. Илмий адабиётлар таҳлил қилинганда, кредитлаш амалиёти хусусида бир-бирига боғлиқ равишда ўзаро муносабатлар, яъни бир-бирига таъсир этувчи, бир-бирини тўлдирувчи икки ёки ундан ортиқ элементларнинг яхлит йиғиндиси тушунилиши келтириб ўтилган. Кредитлаш амалиёти, ўз навбатида, муҳим хусусиятларга эга, яъни у объектив, яхлит ҳамда ягонадир [8]. Кредитлаш таркибий тузилиш ҳамда функцияга эга бўлади.

Тадқиқот методологияси. Мазкур мақолада “Алоқабанк” АТБ кредитлаш амалиётининг жорий ҳолати таҳлил қилиниб, банк кредит портфелининг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган. Таҳлил жараёнида илмий

абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси. Банк тизими мамлакатда иқтисодиётдан кейин иккинчи муҳим бўғин ҳисобланади. Шу муносабат билан банк кредитларининг тадбиркорлик субъектлари ривожлантирилишига таъсири ҳам муҳим аҳамиятга эга, банк тизими “табiiй сармоядорлар”дан бири бўлганлиги сабабли унинг асосий вазифаси бозор муносабатлари иштирокчилари ўртасида бўш капитални қайта тақсимлашдан иборат.

Шу ўринда мамлакатимиздаги барқарор тижорат банкларида бири – Алоқабанкнинг фаолияти таҳлил қилинди. “Ahror-Reyting” миллий рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, Алоқабанк биринчи йирик гуруҳ банклар таркибига киради. Мазкур банк миллий иқтисодиётнинг давлат аҳамиятига эга тармоқларини молиялаштиришда муҳим ўрин тутди.

Биз Алоқабанк фаолиятини 2013 йилдан 2020 йилгача бўлган даврдаги чораклик статистик маълумотларига асосланган ҳолда эконометрик таҳлил қилиб ўргандик. Бунда Алоқабанкнинг кредит ажратмаларига таъсир этувчи ички омиллар таҳлил қилинди. Таҳлил учун ҳар бир чоракда ажратилган кредитлар миқдори, муаммоли кредитлар ҳажми, жалб этилган депозитлар миқдори, банк капитали, кредитлар ҳамда депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари олинди.

Маълумотларга кўра, кредитнинг активлардаги улуши таҳлил даврида ўртача 72 фоизни ташкил этган бўлса, минимум ва максимум миқдори мос равишда 50 фоиз ва 83 фоиз атрофида бўлган. Муаммоли кредитларнинг умумий активлардаги улуши ўртача 0,4 фоизни ташкил этган бўлса, минимум ва максимум миқдори мос равишда 0 ва 1,5 фоизни ташкил этган. Депозитларнинг умумий пассив(актив)даги улушига кўра таҳлил давридаги ўртачаси 58 фоизни ташкил этган бўлса, таҳлил давридаги улуш 42 фоиз ва 72 фоиз атрофида тебранган. Капиталнинг активлар улушидаги ўртача ҳажми 16 фоизни ташкил этгани ҳолда, у 9,4 фоиз ва 23 фоиз атрофида тебранган. Кредитларнинг ўртача фоиз ставкаси таҳлил даврида сезиларли даражада тебранмаган ва ўртача 14,6 фоизни ташкил этган. Депозитлар бўйича фоиз ставкаси эса юқори даражадаги тебранишга эга бўлгани ҳолда, ўртачаси 3 фоиз атрофида бўлган (1-жадвал).

Кредит ва депозит фоиз ставкалари ўртасида юқори даражадаги ижобий корреляция мавжуд. Шунингдек, банк капитали ва кредитлар ўртасида ҳам юқори даражадаги ижобий корреляция мавжудлигини жадвал маълумотларидан кузатиш мумкин.

Тасвирий статистика [10]

Ўзгарувчилар	Кузатувлар сони	Ўртача	Стд.чет.	Мин	Макс
kt	25	0.711916	0.075641	0.499308	0.812447
pt	25	0.002612	0.002884	0.000000	0.013428
dt	25	0.571612	0.076224	0.433884	0.714592
xt	25	0.160294	0.027227	0.095319	0.220653
kpt	25	0.145599	0.008690	0.130900	0.158253
dpt	25	0.032081	0.020542	0.006900	0.089837

Манба: "Алоқабанк" АТБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Ажратилган кредитлар билан жалб этилган депозитлар ўртасида тескари корреляция мавжуд бўлгани ҳолда депозит фоиз ставкаси билан ижобий кучли корреляция мавжуд. Бундан ташқари ажратилган кредитлар ва ўртача кредит фоиз ставкаси ўртасидаги корреляция

ижобий бўлса-да, кучсиз эканлигини кузатиш мумкин. Жалб этилган депозитлар билан ўртача депозитлар бўйича фоиз ставкаси ўртасидаги корреляция ижобий ҳамда нисбатан анча кучлигини кузатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Корреляция матрицаси [10]

	kt	pt	dt	Xt	kpt	dpt
kt	1.00					
pt	0.20	1.00				
dt	-0.28	-0.45	1.00			
xt	0.59	0.09	-0.28	1.00		
kpt	0.23	-0.05	0.12	0.61	1.00	
dpt	0.45	-0.17	0.57	0.32	0.54	1.00

Манба: "Алоқабанк" АТБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Барча ўзгарувчилар биринчи даражали фарқда стационар бўлиб, ноль даражали фарқда эса барча ўзгарувчилар ностационар кўринишга эга. Аммо кузатувлар сони камлиги сабабли ҳар

иккала ҳолат билан ҳам регрессия амалга оширилди. Қуйидаги жадвалда регрессия натижалари келтирилди (3-жадвал).

3-жадвал

Бирлик илдиз тести натижалари [10]

Ўзгарувчилар	Диккей-Фуллер тести	Хулоса	Ўзгарувчилар	Диккей-Фуллер тести	Хулоса
kt	-1.877	I(1)	Δkt	-4.841	I(0)
pt	-2.944	I(1)	Δpt	-5.951	I(0)
dt	-1.226	I(1)	Δdt	-5.130	I(0)
xt	-2.426	I(1)	Δxt	-6.295	I(0)
kpt	-0.833	I(1)	Δkpt	-3.715	I(0)
dpt	1.077	I(1)	Δdpt	-4.902	I(0)

Манба: "Алоқабанк" АТБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Юқоридаги биринчи модель натижаларига кўра, банкнинг хусусий капитали банк кредитлари ҳажмини белгиловчи асосий восита бўлиб қолмоқда. Аммо ушбу моделда автокорреляция муаммоси мавжуд бўлиб, уни икки тест натижаларидан кузатиш мумкин.

Иккинчи моделда автокорреляция муаммосини ҳал этганимизда, кредит ҳажми ҳамда банк капитали банк томонидан кредит ажратишида асосий мезон бўлмоқда. Мазкур икки моделда ҳам ўзгарувчиларнинг ностационарлиги эътиборга олинмаганлиги натижаларни биров шухба остига олади. Шунинг учун ҳам

учинчи моделда ўзгарувчилар стационар шаклга келтирилди ҳамда регрессия амалга оширилди.

Регрессия натижаларига кўра, банк капиталининг ўзгариши кредит ҳажми ўзгаришида асосий ўринга эга. Учинчи моделнинг автокорреляция тести натижаларига кўра, ушбу моделда автокорреляция муаммоси мавжуд эмас. Шунингдек, барча модель натижаларига кўра, бошқа ўзгарувчилар кредит ҳажми тебранишида таъсирга эга эмаслигини кузатишимиз мумкин (4-жадвал).

Регрессия натижалари [10]

Ўзгарувчилар	Модель [1]	Модель [2]	Ўзгарувчилар	Модель [3]
Lkt		0.59*** [0.14]		
pt	3.19 [5.14]	1.35 [3.61]	Δpt	0.28 [3.12]
dt	-0.02[0.22]	-0.09 [0.15]	Δdt	-0.38 [0.25]
xt	1.86** [0.68]	1.12 **[0.52]	Δxt	1.36*** [0.41]
kpt	-1.37 [2.07]	0.81 [1.55]	Δkpt	1.11 [2.23]
constant	0.62** [0.24]	0.05 [0.22]	constant	0.00 [0.01]
R-squared	0.39	0.72	R-squared	0.53
Adj R-squared	0.27	0.64	Adj R-squared	0.40
Кузатувлар	25	24	Кузатувлар	24
Дурбин автокорреляция тести [p-value]	19.10 [0.00]	0.11 [0.74]		1.96 [0.16]
Бреусч-Годфрей автокорреляция тести [p-value]	12.53 [0.00]	0.16 [0.69]		2.49 [0.11]

Манба: "Алоқабанк" АТБ маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

Хулоса ва таклифлар. Алоқабанкнинг кредит портфели валюталар кесимида таҳлил қилинса, асосий катта қисми 65 фоизини корпоратив мижозларга миллий валютада берилган кредитлар ташкил қилади, умумий кредит портфелининг 20 фоизини чакана мижозларга миллий валютада берилган кредитлар ҳамда 18 фоизини корпоратив мижозларга хорижий валютада берилган кредитлар ташкил этади. Банкнинг активлари таркиби кузатилса, 2020 йилда банк активларининг 82 фоизини банкнинг кредитлари ташкил қилади. Буни банкнинг даромадлилик нуқтаи назаридан ижобий ҳолат сифатида қабул қилиш мумкин. Аммо банкнинг ликвидлиги жиҳатидан активларнинг 80 фоиздан ортиқ қисмини кредитлар ташкил қилиши салбий ҳолат ҳисобланади[10].

Алоқабанк кредитлаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ куйидаги таклифларни келтириб ўтамиз:

– Алоқабанк томонидан ажратилган кредитларнинг корпоратив мижозларга миллий валютада берилган қисми жуда юқори фоизни ташкил қилмоқда, ушбу йўналишдаги фоиз кўрсаткичини камайтириш ҳамда кредит портфелининг диверсификация даражасини таъминлаши лозим;

– Алоқабанк активларининг 82 фоизини банкнинг кредитлари ташкил қилади, ушбу кўрсаткични 55-60 фоизга тушириб, қолган қисмини бошқа ликвидли доромадларга йўналтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар:

1. Обзор сферы услуг Западных стран. www.export.by/act/doc@mode, <http://aftershock.news>: Politeconomica.ru/feb 2013/malyj – biznes.: <http://aftershock.news>.
2. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.Мирзиёевнинг "Лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқидан келиб чиқиб инфографика шаклида" рисола. <https://mdo.uz/wp-content/uploads/2021/11/risola.pdf>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-3620-сонли қарори. <https://lex.uz/docs/3593541>
4. Лаврушин О.И. Банковское дело: современная система кредитования. Учебное пособие. – М.: КНОРУС, 2016. – 360 с.
5. Иминов О.К. "Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари" мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация автореферати. – Т., 2001. 6-7-б.
6. Абдуллаев Ш.З. "Банк рисклари шароитида тижорат банклари кредит портфелини диверсификациялаш" мавзусида и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т., 2000. – 36 б.
7. Бердияров Б.Т. "Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари" мавзусида и.ф.д. илм. даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 2020. 17-19-б.
8. Афанасьев В.Г. Системность и общество. – М.: Политиздат, 1980.
9. Абдуллаева Ш.З. Пул кредит ва банклар. – Т.: Молия, 2000. 111-б.
10. <https://www.aloqabank.uz/> – расмий веб-сайт маълумотлари.
11. <http://www.cbu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий веб-сайти маълумотлари.
12. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.
13. <https://www.lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий веб-сайти.
14. <https://www.stat.uz/uz/> – Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси расмий веб-сайти.